**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“Касбий таълим” кафедраси**

**401-КТ(Б ва ИК) гурухи битирувчиси Расулова Сарвигул Ашуралиевнанинг**

# Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишнинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш мавзусидаги

# ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

**Кафедра мудири:** **доц.Рахимов А**

**Диплом лойихаси рахбари:** **Хушвактов У**

**Битирувчи 401-КТ(БваИҚ)**
**Гурухи талабаси:** **Расулова Сарвигул**

***Самарқанд - 2012***

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**«Қурилиш» факультети**

**«Касбий таълим » кафедраси**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Диплом лойихасининг мавзуси**

Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишнинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш.

**Диплом лойихасини бажарувчи толиб (а)** Раҳимова Фарангиз (Ф.И.Ш.) (Имзо)

**Кафедра мудири** Раҳимов А.Ю. (Ф.И.Ш.) (Имзо)

**Раҳбар** Хушвақтов У.А (Ф.И.Ш.) (Имзо)

**Маслаҳатчилар** Алиев Р.А (Ф.И.Ш) (Имзо)

Рахимов А (Ф.И.Ш.) (Имзо)

**Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура**

**Қурилиш Институти**

« Қурилишни бошқариш» факультети

« Касбий таълим » кафедраси

# ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН

# ТОПШИРИҚ.

Расулова Сарвигул Ашуралиевна
(талабанинг фамилияси, исми. шарифи)

**I. Диплом лойихасининг мавзуси** Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишнинг ўқув-услубий мажмуасини яратиш.

Институт бўйича 2011 йил 22.XI 176а-з сон буйрук асосида тасдиқланган

**II. Диплом лойихасини бажариш учун маълумотлар** Диплом лойиҳаси махсус фанлар бўйича ўқув услубий мажмуани пол ишлари мисолида келтирилсин.

**III. Хисобот тушунтириш хатида келтириладиган маълумот:**

1. Мавзуга доир қурилиш қисми. Кириш, мавзуни долзарблиги келтирилсин. Ўқув услубий мажмуага қўйилган талаблар келтирилсин.
2. Конструктив қисм. Ўқув услубий мажмуани норматив компоненти келтирилсин.
3. Технологик, қисм . Фан бўйича баҳолаш мезонлари келтирилсин.
4. Ўқув услубий қисми Пол ишлари бўйича фанининг ўқув услубий ишлари келтирилсин.
5. Диплом лойихаси бўйича хулоса қисми Диплом лойиҳасини бажариш бўйича умумий хулоса келтирилсин.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Диплом лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилсин.

**IV. Диплом лойихасининг график қисми.**

1. Қурилиш чизмалари. Махсус фан ўқитувчисини дарсларга тайёргарлиги 1-лист А-2 формат
Дарс ва ўқиш турлари 1лист А-2 форм.
2. Конструктив чизма Ўқув услубий мажмуани таркибий қисмлари 1-лист А-2 формат
3. Технологик чизма Ўқув услубий мажмуани яратиш методикаси 1лист А2 формат
Баҳолаш ва ўқув бартерларни ўтиш
4. Ўқув услубий чизмалар тизимлари 1варақ А-2 форм
Дарсни технологик харитаси 1варақ А-2 формат

**V. Диплом лойихасининг кисмлари буйича маслахатчилар:**

| № | Диплом лойихаси кисмлари | Бошланиши. | Тугалланиши | Маслаҳатчилар | Имзо |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мавзуга доир қурилиш кисми | 1.03.2012 | 25.03.12 | Хувбоктов | [signature] |
| 2 | Конструктив хисоб кисми | 25.03.12 | 10.04.12 | Хувбоктов | [signature] |
| 3 | Технологик қурилиш жараёнида техника хавфсизлиги ва мехнат мухофазаси кисми | 11.04.12 | 1.05.12 | Асиев С.А | |
| 4 | Ўқув услубий кисми. | 1.05.12. | 15.06.12. | Рахимов А | [signature] |

**Изох:**

1. Диплом лойихаси бўйича чизмалар 420x524 мм А-2 форматда 5-6 та варакни, тушунтириш хати 210- 297 мм ўлчамда А4 хажмда 70-80 варакни ташкил этиши тавсия этилади. Шундан 15- 25 вараги укув- услубий кисми.
2. Ҳар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида раҳбар ёки маслахатчи томонидан имзолангандан кейин навбатдаги қисмини бажаришга кафедра томонидан рухсат берилади.

**VI. Топшириқ берилган сана** 1.03.2012 йил

**VII Тугалланган диплом лойихасини топшириш санаси** 15.06.2012йил

Диплом лойихаси рахбари Хувбоктов У.А (фамилияси, исми, шарифи) [signature] (имзо)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди Расулова С.А. (фамилияси, исми, шарифи) [signature] (имзо)

Кафедра мудири доцент Рахимов А.К. (фамилияси, исми, шарифи) [signature] (имзо)

***МУНДАРИЖА***

**1. Кириш ....................................................1-3**

**2. Ўқув-услубий қисм...............................**

**3. Дарс босқичлари...................................**

**4. Маъруза матни......................................**

**5. Интер фаол технологиялар...................**

**6. Тарбиявий вазифалар...........................**

**7. Баҳолаш мезонлари..............................**

**8. Экологик тарбия....................................**

**9. Интернет маълумоти...........................**

**10. Хулоса.....................................................**

**11. Адабиётлар............................................**

# **КИРИШ**

# Кириш

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири бу жараёнларга замонавий ахборот ва коммуникация технологиялардан жорий этиш билан боғлиқ бўлиб, республикамиз Президенти И.А.Каримов бу масалада “Бугун ҳаётимизда чуқур кириб бораётган интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга, хизмат қиладиган миллий ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, бу борада ўзбек

тилининг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи доимо эътиборимиз марказига туриши лозим" лигини таъкидлайди.

Бундай вазифаларни амалга ошириш кадрлар тайёрлаш миллий модулини амалга оширишнинг босқичларида белгилаб берилган бўлиб, унинг келажакдаги истиқболи Президент томонидан илмий асослаб берилган. Модулни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Илмий техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқлари билан бир қаторда таълим соҳасига ҳам замонавий ахборот технологияларини жорий этиш таъминланмоқда.

Шу боисдан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида "ўқув тарбиявий жараёнини илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлаш" заруриятi эътироф этилди, Унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган ижодий вазиятлардан бири сифатида белгиланди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёнини методик таъминотини ривожлантиришни талаб этади. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари яқин йиллар ичида педагогик инновацияларнинг асосий бош бўлиб қолади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларини амалга оширишда ҳам ёш авлодни юқори савияда тайёрлашни таъминлаш мақсадида миллий қадриятлар сингдирилган фанлар бўйича электрон ўқув-услубий мажмуаси яратиш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторига киритилган.

Бугунги кунда илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация воситалари кенг жорий этилган жамиятда барча фан соҳаларида билимларининг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларнинг тез ва сифатли эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда.

# Ўқув-услубий қисм

***Фаннинг электрон ўқув дидактик мажмуасини яратиш бўйича талаблари.***

ЎУМ-ўқув-услубий мажмуа анъанавий ўқув нашрларига қўйилган дидактик талабларга жавоб бериши керак.

Қўйида ЎУМга бўлган анъанавий дидактик талаблар келтирилган:

1. Таълимда илмийлик, фан, техника ва технологияларни сўнги ютуқларни ҳисобга олиниши.
2. Ўқитишнинг эришувчанлик талаблари ЎУБда амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг ёши ҳамда индивидуал хусусиятларига хос ўқув материалини ўрганишнинг

мураккаблик ва чуқурлик даражасини аниқлаш заруриятини билдиради.

3. Ўқитишнинг муаммовийлигини таъминлаш талаблари – таълим олиш фаолиятининг тавсияси шартлаштирилган.
4. Ўқитишнинг кўргазмалилигини таъминлаш талаблари.
5. Ўқитишни онглилигини, таълим олувчининг мустақиллиги ва фаолиятини таъминлаш талаблари.
6. ЎУМдаги фойдаланишда ўқитишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талаблари.
7. ЎУМ дан фойдаланишда билимларни ўзлаштириш мустаҳкамлиги талаблари.
8. ЎУМ ўқитишнинг ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари бажарилиш талаблари.

ЎУМларни қўллаш асосида талабаларнинг мустақил таълим олиш қўшимча ва малакаларини шакллантиришда талабаларнинг функционал ва психофизиологик имкониятлари инобатга олиниши лозим.

Физиологик-гигиеник соҳада амалга оширилган тадқиқотлар компьютерда ишлашда билим олувчиларнинг ақлий иш қобилияти ўзлаштириладиган маълумотлар ҳажмига тескари пропорционал равишда ўзгариб боради.

Мотивация тушунчаси амалга ошириладиган фаолиятнинг индивид учун аҳамият касб этиши, унга нисбатан барқарор қизиқишни юзага келтириши ҳамда белгиланган мақсадларнинг ички эҳтиёжига айлиниши жараёнини англатади.

Демак, мотивация шахсий ўқув жараёнига фаол киришиб кетишни таъминловчи ички ҳаракатлантирувчи куч сифатида эътироф этиш мумкин.

Шуни эътиборда тутиш лозимки, шахснинг мотивацион сифатлари билиш фаолиятининг асосини ташкил қилиб, бу жараёнда талаба мос равишдаги таълимий мақсадларни белгилайди, бу жараённи бошқаради ва унинг мувваффақиятлилик даражасини баҳолайди. Бунда эҳтиёж мустақил таълим жараёнида палата касбий шаклланишнинг турли мотивацияланганлик даражаларининг шаклланишига олиб келади.

Методик талаблар ЎУМ га мўлжалланган ўқув фанининг ўзига хослиги ва хусусиятларини, унинг қонуниятларини изланиш усулларини, ахборотга ишлов беришнинг замонавий усулларини жорий қилиш имкониятларини ҳисобга олишни кўзда тутади.

ЎУМнинг титуль вароғи қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

Титуль варағи ЎУМ нинг муҳим компоненти. Унда қўйидаги маълумотлар ўз ифодасини топиши шарт

- Муассисларнингноми;

- олий ўқув юртининг тўлиқ расмий номи;
- тузувчи ҳақидаги маълумотлар;
- Мазкур ЎУМ мўлжаллаб яратилган мутахассисликнинг номи;
- Ишланма яратилган йил ва жой.

ЎУМ макети унинг барча таркибий қисмларининг ихчамлаштирилган ва муайян тизимга солинган шаклидир. Маълум ЎУМ нинг таркибий қисмларини визуаллаш ва ўзаро боғлашни амалга ошириш имконини беради.

ЎУМ макети ундан оптимал тарзда фойдаланиш, ўқув фанини англашни қулайлаштириш ҳамда мутахассисликнинг бошқа фанлари билан мувофиқлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ЎУМ макетидан бошқа локал тармоқли ва аралаш ЎУМларнинг таркибий қисмларига кириш ва улардан фойдаланиш мақсадида қўллаш имконини беради.

ЎУМ макети ундан оптимал тарзда фойдаланиш, ўқув фанини янгилашни кучайтириш ҳамда мутахассисликнинг бошқа фанлари билан мувофиқлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Фан дастури методик – меъёрий хужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг муайян фан бўйича бакалавр билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Дастурда фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим рифожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниши, руспубликада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши шарт.

Фан дастурини ишлаб чиқишда таълим олувчиларнинг мустақил билим олиш ва ўрганиш ўқитиш жараёнини шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узвийликни таъминлаши шарт.

Фаннинг ишчи дастури методик-меъёрий хужжат бўлиб, давлат таълим стандарти ҳамда фан дастурининг муайян фан бўйича бакалавр (магистр) билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талабаларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Фаннинг ишчи дастури таркибида:

а) фанниг асосий мақсади ва вазифалари;

б) фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар;

в) фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги;

д) фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялра;

ф) маъруза ва амалий-семинар машғулоти;

г) маъруза ва амалий-семинар машғулотлари тақвим режаси;

ҳ) курс ишлари мавзулари;

и) фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

л) баҳолаш мезонлари киради.

Таълим дастурида фанларнинг бир қатор масалалари ва муаммолари мустақил таълим орқали ўрганилиши кўзда тутилган. Мустақил таълим талабалар томонидан у ёки бу фан бўйича дастур материалларидан бир қисмини мустақил ўзлаштирилишидир.

Талабалар мустақил таълимини ахборот технологиялари асосида ташкил этиш истиқболли йўналишлардан бири саналади. Маълумки, ўқув материалларининг турли шакллари, жумладан ўрганиладиган жараён ва ҳодисаларни виртуал шаклда акс эттирадиган электрон ўқув-методик ресурслар, янги мавзуларни ўзлаштириш жараёнда вужудга келадиган саволларгаихтиёрий вақтда тўла жавоб олиш имкониятини берадиган интираллашган электрон маълумотнома, табиий фанларни йўналишлари бўйича виртуал лаборатория ва намойиш-тажриба машғулотлари талабалар томонидан ўқув фанларни мустақил ўрганишга зарур бўладиган ресурслардан саналади. Мустақил ишни ташкил этишда юқорида эслатилган ресурслардан фойдаланиш тартиби ҳар бир талабанинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган холда белгиланади.

Талабага мўлжалланган методик компонентига мустақил ишларни бажаришга мўлжалланган методик тавсиялар киради.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига в касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек талабаларнинг мустақил ва ижобий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак.

Тарбиявийлик аҳамияти шундаки, талаба ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзи тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган холда мустақил билим олиб жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Ўқувчи билими, малака ва маҳоратини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг муҳим вазифаси ва бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашдаги мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, ўқувчиларнинг ўқув фанларни ўзлаштиришда бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдаги иборат.

Ўқувчиларнинг билим соҳаси ва ўзлаштириш дажарасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қўйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

- жорий назорат-ўқувчининг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули;
- оораликқ назорат-ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин ўқувчининг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули.
- Якуний назорат-ўқиш якунида муайян фан бўйича назорат билим ва амалий кўникмаларни ўқувчилар

томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. Якуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга мўлжалланган савол ва топшириқлар тизими ЎУМнинг етакчи ва жадал ривожланаётган кўрсаткичидир.

Талабалар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарур тарихий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини баҳолаш эмас, балки ўқитиш жараёни даврида талабалар билим олиш ва мустақил иш фаолиятига рахбарлик қилиш ҳамдир.

ЎУМ қуйидаги таркибий қисмлардан иборат.

1. Фан дастури
2. Фаннинг ишчи дастури
3. Таълим технологияси
4. Масалалар ва машқлар тўплами
5. Тестлар
6. Назорат учун саволлар
7. Умумий саволлар
8. Тарқатма материаллар
9. Глоссарий
10. Реферат мавзулари
11. Адабиётлар рўйхати
12. Таянч конспекти

13. Ўқув  материали
14. Хорижий манбалар
15. Курс ишлар мавзулари
16. Аннотация
17. Муаллиф тўғрисидаги маълумотлар
18. Фойдали маслаҳатлар
19. Норматив ҳужжатлар
20. Баҳолаш мезонлари

## Назорат дарсни ўтказиш босқичлари

Назарий дарси ўтказишда қўлланиладиган босқичлар қўйидагилардан иборат:

1. Қизиқтириш (мотивация)
2. Такрорлаш
3. Янги мавзу баёни (билим бериш)
4. Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш
5. Анализ ва синтез
6. Баҳолаш ва уйга вазифа бериш.

Ушбу кетма-кетлик учун вақт одатда 80 дақиқани ташкил этади. Бунда назорат дарси ўтказишнинг юқорида келтирилган олти босқичини амалга

ошириш лозим. Дарси бошланишидан аввал режалаштириш босқичининг натижаларини қисқача текшириб кўриш лозимдир.

**Дарсга тайёргарликни текшириш**

| **Мавжуд вазият ва шарт-шароитни баҳолаш** | **Тайёргарлик натижалари** |
|---|---|
| *Белгиланган вақт:* | *Мазмуни таълим олувчиларга етказиш учун вақт етарлими?* |
| *Хоналарга тааллуқли шароитлар:* | *Синов хонаси аниқми? Стол ва стуллар етарлими?* |
| *Воситалар:* | *Доска, флипчарт ва кодоскоплар ишлайдими?* |
| *Ҳужжатлар:* | *Дарс режаси борми? Етарли тарқатма материаллар мавжудми?* |

**1-босқич**: қизиқтириш (мотивация)

Авваламбор “қизиқтириш босқичини” ўтказиш керак. Бу босқичда таълим олувчиларни қутлаш ва ҳар қандай қизиқарли, ҳаттоки, дарсга тааллуқли бўлмаган мавзулар тўғрисидаги суҳбат билан бошлаш керак.

Иложи бўлса, дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан гаплашиш мақсадга мувофиқдир. Қизиқарли цитата ёки қисқа долзарб мавзудаги ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси ўз навбатида биринчи дарс мобайнида таълим олувчиларнинг кескин холатини юмшатишга ёки кейинги дарсларда таълим олувчилар эътиборини ўрганилаётган фанга қаратишга ёрдам беради.

Қизиқтириш босқичи ғоялари юзасидан папка тутиш ҳам тавсия этилади.

Дарс биринчи бор ўтаётган бўлса, таълим берувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, таълим олувчиларга ҳам ўзларини таништириш имкониятиниберишиши керак. Бу таълим олувчиларга ишонч туғдиради, таълим олувчилар ўзларига билдирилаётган ҳурматни хис қиладилар. Бу флипчарт ёки пинборд ёрдамида визуаллаштирилиши ҳам мумкин.

Таърифланган ва танланган ўқув фанлари асосида назарий дарс мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Иложи борича мотивация қилишнинг қандайдир бир тадбирини ўтказиш шарт.

Чунки бу диққатни жалб этиш, ўқитиш ва ўрганишга бўлган тайёргарлик учун шарт-шароит ҳисобланади.

**2-босқич**: Такрорлаш

Дарсларда янги мавзуни бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда такрорланиши керак. Ушбу босқичда турли анъанавий ва интерфаол таълим методларидан файдаланиш мумкин.

Такрорлаш учун савол-жавоб, давра суҳбатининг ёзма кўриниши “ конверт” ва бошқа таълим методларидан фойдаланиш мумкин. Бундай

таълим методлари ўтилган мавзу бўйича билимларни текширишга ёрдам беради

**3-босқич**: Янги мавзу баёни (Билим бериш) сўнгра таълим берувчи таълим олувчиларга махсус соҳага олиб киради. Янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбат лари, ўйин машғулотлари ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказади. Албатта бу босқич замонавий таълим воситаларидан ҳам унумли фойдаланиш даркор. Янги мавзуни тушунтириш вақтида оила ва техник воситаларидан фойдаланиш материални визуаллаштиришга, бу эса щз навбатида таълим олувчиларнинг берилаётган ахборотларнинг ёдда сақлаб қолинишига ёрдам беради.

Дарс жараёнида мавзуларга мос равишда олдиндан тайёрланган тарқатма материаллар таълим олувчиларга тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёни ва дарс олиб боришни енгиллаштиради. Мавзуга кирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, уларни ўқиб чиқиш учун етарли дақиқалар бериш ва таълим олувчилар эътиборини ахборотга қаратиш учун кимгадир овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан сўнг мавзу муҳокамасини бошлаш мумкин бўлади.

**4-босқич:** Ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Таълим олувчиларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарурдир. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий поссив босқичидан сўнг, актив босқич келиши учун имконият яратиб беради.

Бундан ташқари “қайтар алоқаси” таъминланишига олиб келади.

Гурухларда ишлаш ёки индивидуал равишдатопшириқларни бажарриш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш шакллари ҳисобаланади.

Ушбу босқичда интерфаол методлардан фойдаланиш юқори самара беради. Мустаҳкамлаш босқичида кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазият, иштирок ўйин, баҳси-мунозара ва бошқа шу каби интерфаол методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу методлар таълим олувчиларнинг мавзуни қайдаражада ўзлаштрилганлигини кўрсатади.

**5-босқич**: Анализ (таҳлил) васинтезлаш (хулосалаш).

Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқилиши мумкин.

Ушбу ўринда алоҳида хусусиятлар муҳокама этилиши мумкин.

Мазкур ҳусусиятларни бирбутунқилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Чунки амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган белгиларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

**6-босқич**: Баҳолаш ва уйга вазифа бериш. Ҳар бир топшириқдан кейин таълим олувчилар ўзлари бажарган ишлари баҳолашлари лозим.

Бошқа бир имконият эса натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин васамимий муҳокама қилишдан иборатдир. Дарс охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатидаиштирокчиларнинг натижалари, шунингдек, таълим берувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлариучуняхши имкониятдир.

Таълим берувчи ҳам ўз-ўзига "Мен мақсадларга эришдимми, йўқми? Нима учун эришмадим?"каби саволларини бериши лозим. Бунинг учун махсус баҳолаш варақаси ишлаб чиқилиши керак бўлади.

Дарс якунида уйгавазифаберилади. Уйга вазифа аниқ берилиши, фойдаланиладиган адабиётнинг муаммоли, номи, нашриёт, нашр этилган йили ва қайси бетларни ўзлаштириши кўрсатилиши керак.

## Ўқув амалиёти машғулотлариниўтказиш босқичлари

Ишлаб чиқариш таълими – назарий жараёнида ўрганилган умумкасбий, махсус билимлар асосида иш усуллари ва операцияларни амалий бажариш бўйича кўникма ҳамдамалакаларни шакллантириш мақсадида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш амалиёти ва диплом-олди амалиётларини ўз ичга олади.

Ўқув амалиётлари – битта умумкасбий фандаги назарий билимларни амалий мустаҳкамлаш, иш усуллари ва операцияларни амалий бажариб ўрганишбўйича кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш мақсадида дастур асосида, таълим берувчи назорати остида ўқув устахона валабораторияларида, полигонларда амалга оширилади.

Бу амалиёт муҳандис-педагоглар назорати остида маълум бир тартибда ва дидактик мақсадли машқлар тизимини амалга ошириш орқали бажарилади. Амалий таълим мазмуни шу амалиёт учун назарий асос булувчи фанлар мазмунидаги ҳамда малакали кичик мутахассис иш ўрни малакали тавсифидан келиб чиқиб белгиланади. Амалиётларни илмий асосда ташкиллаштиришнинг биринчи шарти унга асос бўлувчи ўқув фанларини ўзлаштиришдир. Шунинг учун "олдин назария, сўнг амалиёт "қоидасига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Амалиймашғулотларни илмий асосда ташкиллаштиришнинг иккинчи шарти-ихтиосослик бўйича лаборатория ва амалий машғулотлар даврида олинган бошланғич кўникмалардир.

Ўқув амалиёти машғулотлари қўйидаги босқичлардаўтказилади:

1. Ташкилий қисм
2. Кириш йўл-йўриғи
3. Жорий йўл-йўриқ
4. Якуний йўл йўриқ

Ўқув амалиёти машғулотларининг умумий қабул этилган кетма-кетлиги танланган методга боғлиқдир. Кетма-кетлик анъанавий "Тўрт поғонали"метод ёки "йўналтирувчи матн" ва "лойиҳа" методлари каби интерфаол методлар қўлланилиши орқали фарқ қилинади.

Ушбу таълим методлари асосан амалий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган ва ўзида бунга тааллуқли назарий билимларни мужассам этган бўлади. Ўқув амалиёти машғулотлари мазкур методлар тизимидаги турли босқичларга асосланиб амалга оширилади.

“Тўрт поғонали” метод,”йўналтирувчи матн” ва “лойиҳа” методларига асосланган фаолият бўйича ўқув амалиёти машғулотларини ўтказиш босқичлари қуйидаги жадвалда келтирилган .

**Турли методлар бўйича ўқув амалиёти машғулотини ўтказиш босқичлари.**

| “Тўрт поғонали” методга асосланган фаолият | “Йўналтирувчи матн” ва “лойиха” мет.асос. фаолияти |
|---|---|
| 1. Мотивация ва ахборот<br>2. Намойиш<br>3. Такрорлаш<br>4. Машқ | 1. Ахборот<br>2. Режалаштириш<br>3. Қарор қабул қилиш<br>4. Амалга ошириш<br>5. Назорат қилиш<br>6. Баҳолаш |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, турли методлар қулланилганда дарс босқичлари ҳам турлича фаолиятларда амалга оширилади. Дарсни ўтказиш босқичлари қандай методни танлашга боғлиқдир.

Ушбу кетма-кетлик учун вақт 6 соатни, яъни 240 дақиқани ташкил этади. Бунда амалий дарснинг юқорида келтирилган учта йўл-йўриғи кетма-кет амалга оширилиши лозим. Дарс бошланишидан аввал юқоридаги назарий дарс ўтказиш бўйича режалаштириш босқичининг натижаларини текшириб кўргандек, ўқув устахонасининг машғулот ўтказишга тайёргарлигини ҳам текшириб кўриш лозим.

**1-босқич:** Ташкилий қисм

Таълим олувчилар иш ўринларининг дарс бошланишига тайёргарлиги, таълим олувчилар давоматлари текширилади.

Таълим олувчиларга керакли материаллар, яримтайёр маҳсулотлар, асбоб-ускуналар ва ҳужжатлар берилади.

**2-босқич:** кириш йўл-йўриғи.

Таълим олувчилардарс мавзуси ва мақсади билан таништирилади.

Ушбу мавзуга тегишли ўтилган назарий дарсдаги билимлари юзасидан суҳбат ўтказилади, таълим олувчиларга саволлар берилади.

Шундан сўнг янги материал тушунтирилади.

Материални тушунтириш тартиби:

- Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, иш ўринларини ташкил этиш, ўқув-техника ҳужжатларидан, техник воситалар ва ҳ.к.дан фойдаланиш бўйича маълумотлар бериш;

- Ўқув-кўргазмали қуроллар ёрдамида иш жараёнларини тушунтириш ва кўрсатиш;

Ўтилган материални мустаҳкамлаш учун турли таълим методлари қўлланилади ва таълим олувчилар ўзлаштиришни текшириш мақсадида саволлар ёки тестлардан фойдаланилади.

Билимлар бериш бўйича йўл-йўриқ.

Маърузалар, тақдимотлар ва намойишлардан фойдаланиш мумкин. Ушбубосқичда сифатли тайёрланган ўқув материалини таълим олувчилар диққат билан тинглаб, кузатадилар.

Ривожлантирувчи йўл-йўриқ.

Ривожлантирувчи йўл-йўриқда изланиш, савол ва жавобларга асосланган давра суҳбатлари, тафаккур қилишга ундаш учун бахс-мунозаралар ўтказиш, муаммони муҳокама қилиш методларидан фойдаланиш мумкин.

**3-босқич:** Жорий йўл-йўриқ ваўқувчиларнинг мустақил ишлари.

Учинчи босқичда мухандис-педагогнинг жорий йўл-йўриғи ва таълим олувчиларнинг машқлари ёки мустақил ишлари амалга оширилади. Назорат қилиш мақсадида таълим олувчиларнинг ўз вақтида иш бошлашлари ва иш ўринларини тўғри ташкил этишлари кузатилади, ишнинг меҳнат йўллари тўғри бажарилаётганлиги текширилади. Айниқса меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши доимий назоратда бўлиши зарур.

Таълим олувчилар томонидан бажарилаётган операциялардаги ўзини-ўзи назорат қилиш методлари ва жараёнлари тўғрилигини текшириб берилади. Таълим олувчиларнинг ёзма йўл-ёўриқ хариталаридан, техник хужжатлардан фойдалана олишлари кузатилади.

Ушбу хужжатларни ишлаб чиқиш бўйича 1-модел “Назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш” модулида маълумот берган эдик. Жорий йўл-йўриқ босқичида машғулот мақсади, мазмуни, иш ўринларининг сони ва бошқа шарт-шароитларидан келиб чиққан холда таълим олувчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун таълим берувчи томонидан ўрин алмаштириш жадвали ишлаб чиқилиши лозим. Шу жадвал асосида меҳнат жараёни амалга оширилади.

Мухандис-педагог таълим олувчилар бажараётган операцияларни оралиқ назоратдан ўтказади. Ушбу босқич асосан таълим олувчиларнинг мустақил иш бажаришларига индивидуал ҳолда эътибор бериш талаб этилади. Йўл-қўйилган хатоликлар иш жойида бартараф этилишига ёрдам берилади.

Дарс мобайнидаги ишлар қабул қилиниб, баҳо қўйилади. Жорий йўл-йўриқ босқичига машғулотига ажратилган вақтнинг асосий қисми, яъни 60-70 фоизи сарфланади.

**4-босқич:** якуний йўл-йўриқ. Якуний йўл-йўриқда гуруҳнинг бир кунлик ишига якун ясалади. Гуруҳ ишидаги ижобийтомонлар ва камчиликлар қайд этилади.

Зарурат бўлса, дарс материалини таълим олувчилар қанчалик ўзлаштирганини аниқлаш учун саволлар бериш мумкин. Бундай савол-

жавоблар ишда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тузатиш мақсадида амалга оширилади.

Машғулотнинг ўқув ва ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга олиб келади. Шундан сўнг, муҳандис-педагог ҳатто ва нуқсонларни тузатиш йўлларини кўрсатиши мумкин.

Таълим берувчи томонидан ҳар бир таълим олувчи ишига қисқача таъриф берилиши ва қўйилган баҳони изоҳлаб бериши лозим.

Бу ўз навбатида таълим олувчиларда масъулиятнинг ошишига , бажарган ишига нисбатан таълим берувчининг бефарқ эмаслигига, билдирилган фикр ва баҳонинг объектив эканлигини англашига олиб келади.

Шундан сўнг, таълим олувчилардан уй вазифаси ва навбатдаги дарс текширган топшириғини кундаликка ёзиб қўйиш сўралади.

Дарс якунида таълим олувчилардан иш ўринлари қабул қилиб олинади. Ўқув амалиётининг ташкил этиш йўлларини тўғри танлаш ва қўллаш таълим олувчилар томонидан материалларни яхши ўзлаштиришга асос бўлади.

Шунинг учун юқорида келтирилган босқичларда дарс мазмунини таълим олувчиларга етказиш ўқув амалиёти жараёнида олинадиган билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига қулай имкониятлар яратишга асос бўлади.

**Пол ётқизиш ишлари бўйича маъруза матни.**

Ёғоч (тахта) полларни ётқизиш. Бундай поллар грунт устига ёки қаватлараро ёпма тўсинлар устига ўрнатилади.

Бунда тахта пол остидаги тўсинни бир текис ўрнатиш катта аҳамиятга эга. Лагалар ерга қўйилган ғишт ёки бетон устун ёки қаватлараро ёпма тўсинга ўрнатилади. Аввал хонанинг икки четидан лага горизонтал ҳолда ўрнатилади ва уларнинг ўзаро бир текисликда горизонталлиги “шайтон” билан текширилади. Сўнг лагалар ҳам ўрнатилади.

Паст-баландликлар лага остига хар-хил қалинликдаги остқўйгичлар билан тўғриланади.

Тахтанинг қалинлиги 35-40 мм бўлганда лагалар орасидаги масофани ўқ бўйича 80-85 см олиш мумкин. Тахталар бундан юпқароқ бўлса лагалар ораси 50-60 см гача қичқартирилади.

Пол учун тахталарнинг қуриганини ва яхшилаб рандаланганини ҳамда эни 200 мм гача бўлганларини ишлатиш керак. Бунинг учун энг яхшиси шпунтланган тахталардир.

Тахталарни ётқизишдан олдин хона ўлчамига мослаб текис арралаб олинади. Тахталарни узунасига уланадиган жойларини зич чиқиши учун учларини бурчаклик билан чизиб олиб аралаш керак.

Тахталарнинг уланадиган жойи лага ўқига бўлиб, албатта, михланади.

Тахта полларни ётқизиш тартиби. Аввал деворга зичлаб биринчи тахтани ётқизиб, ҳар бир лагага иккитадан мих (узунлиги 100-125мм) қоқиб

чиқилади.михни сал қиялатиб ва қалпоғини тахтага 3-5 мм гача ботириш керак.

Биринчи тахта ёнидан бир неча(3-4 тагча) тахта ётқизилади. Сўнг лагаларга энг четини тахталардан 5-6 см берироқдан оддий скобалар, яхшиси смолаков скобаси қоқилади.

Тахта ва скоба орасига поналар қоқиб киритилади. Шунда тахталар бир-бирига зичлашади, улар кейин михланади. Энсиз тахталарга биттадан, энли тахталарга биттадан, энли тахталарда эса иккитадан мих қоқиш керак. Сўнг пона ва скобалар чиқариб олинади ва яна бир неча тахта ётқизилади, скобалар яна аввалгидек қоқилади. Шу тариқа жараён давом эттирилади. Тахталар орасидаги оралиқ 1 мм дан ошмаслиги, мих узунлиги эса тахта қалинлигидан 3-4 марта узунроқ бўлиши керак.

Тахта полларни ремонт қилиш. Эски тахта полларни алмаштириш ёки улар орасида ёриқлар очилган ҳамда юрганда пол эгилаётган бўлса, уларни янгидан қоқишга тўғри келади. Лагалар орасидаги масофа катта олинганда ҳам тахталар эгилиши ва ғичирлаши мумкин. Бу ҳолда лагалар бир-биригаяқинлаштирилади ва янгисидан қўшилади ёки аввалги лагалар жойига қолдирилиб, улар орасига қўшимча лагалар қўйилади. Тахталарни кўчиришдан олдин улар белгилаб ёки номерлаб олинади. Тахталарни четлари бирлашишини текшириб, улар зичланади ва михланади, қоқилган михлар тахта ичига ботиб кетиши керак.

Нотекис жойлар рандаланади. Агар тахталарни ётқизилаётганда янги қалинроқ тахта қўйишга тўғри келса, тахталар юзаси текис чиқиши учун қисми жами тахта тагидаги лагага тўғри келган жойлари ўйиб ташланади.

Полни қайтадан қоқмаслик учун қўйидаги усулларни қўллаш тавсия этилади. Диаметри 13 мм ёки унга йўғонроқ парма ёрдамида полнинг ғичирлаган ва эгиладиган жойи тахта ва лага бетон асосгача тешилади. Цемент қоришмаси лагалар ҳам қаттиқ ушланади ва пол ғичирламайдиган бўлади.

Тахталарни кўчиришдан олдин, улар белгилаб ёки номерланиб олинади.

Паркет пол қуриш. Пол қуриш учун паркет кенг қўлланилади. Бу иш ҳар хил пол қуриш ишларига нисбатан энг мураккаби ҳисобланади. Хусусий уй қурувчилар асосан алоҳида паркет тахтачалардан фойдаланадилар. Паркет тахтачаларнинг узунлиги 150 дан 400 мм гача, эни 30 дан 90 мм гача, қалинлиги 15 дан 18 мм гача бўлади. Паркет тахтачалар икки хил тайёрланади, биринчи тури-тахтачанинг биттадан бўйламасига ва кўндалангига ўйиқ қилишади, қолган икки томонида эса қирра бўлади; иккинчи турида эса тахтачанинг ҳамма томонларида арикчаси ўйиқ бўлади.

Паркет тахтачаларини ётқизишда ўйиқларга рейкачалар қўйилади. Улар кўпинча қарағайдан тайёрланиб, узунлиги 30, эни 14 ва қалинлиги 4 мм бўлади.

Паркет тахтачаларидан ҳар хил кўринишга эга бўлган полларни қуриш мумкин. Кўпроқ паркетли поллар фризли бўлади. Паркет тахтачаларини хонанинг ўртасидан арча кўринишида териб, периметр

бўйича эса фриз хосил қилинади. Фризли пол кўриниши жиҳатидан чиройли бўлиб, майда ўлчамли тахтачалардан ҳам фойдаланиш имконини беради, лекин иш бироз мураккаброқ бўлади. Тахта асосга паркет тахтачалари михланади. Михни тахтача устидан эмас, балки ён четидан қоқиб киритилади. Паркет тахтачаларини фақат арча кўринишида эмас, балки бошқа турли хил вариантида ётқизиш мумкин.

Ётқизилган паркет тахтачаларининг юзасини силлиқлаш асосий жараёнлардан биридир. Умумий текислаш учун юза рандалаш одатда тиззалаб олган ҳолда бажарилади.

Тизза остига бирор юмалоқ материал қўйиш керак. Рандалашдан сўнг циклёвка қилинади. Узун дастали ўроқ ранда ёрдамида ишлашганда кам куч сарфланади, лекин силлиқлаш тозалиги калта дастали ўроқ рандага нисбатан пат бўлади.

## Дарсларда янги педагогик технологияларни қўллаш.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормокда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожлантириш, шаклланиши, ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатилади.

Шунинг учун олий ўқув юртлари ва факультетларида малакали касб эгалари тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларнинг билимли етук малкага эга бўлишини таъминлайди. Интерактив методлар – жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми хисобланади.

Педагог технологиялар масаласи, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқитиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойихалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитаси ҳарбир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи талабаларнинг имконияти ва эҳтиёждан келиб чиққат ҳолда тузилади.

Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар.

Усулларни билиш керак бўлади. Дарснинг технологик харитасини қай кўринишида ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқдир. Технологик карта ҳар қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳам аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси бўлиб ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада дарс жараённи барча қирралари ўз аксини топади.

“Ўқувчидан ўқитувчи” ёки “Тингловчидан иштирокчи” ўйин дарси. “Ўқувчидан ўқитувчи” ёки “Тингловчидан иштирокчи” деб номланган ушбу ўйин дарси раҳбарининг касб маҳорати ва иш тажрибаси асосида, ўқув гуруҳининг фан бўйича билим савияси, ўқувчиларнинг ўқув-идроки ва малакаларининг шаклланганликдаражаси, шунингдек, всихологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бу ўйин дарси асосан 1-курснинг 2-ярмида ва юқори курс ўқувчилари иштирокида ўтказилади.

Ўйин дарсини олиб берувчилар таркиби:

Дарс раҳбари – ўқитувчи

“Ўқитувчи” – ўқувчи, “экспертлар” – ўқувчилар ўйин учун “Ўқитувчи” ва “экспертлар”ни танлаш.

Ўқитувчилар томонидан энг тиришқоқ, аълочи, ташаббускор, ташкилотчи ва иқтидорли учта ўқувчи танланади.

Ўйин шарти:ўқитувчи дарсга якун ясаш даврида рол иштирокчиларини танлайди.

Уларга келгуси машғулотдаги уларнинг вазифалари, бурчлари хусусида кўрсатмалар беради.

“Ўқитувчи” ролидаги ўқувчинингфаолияти фан юзасидан келгуси машғулот мавзуси бўйича мустақил равишда тайёргарлик кўриш ва дарс жараёнида “янги мавзуни тушунтириш” дарс босқичини бажариш (дарс раҳбари бунда ўқувчига дарсга тайёрланиш учун алоҳида қўшимча ёрдамлар кўрсатиш лозимбўлади).

“Эксперт” ларнинг фаолияти – дарс раҳбари билан биргаликда “Ўқитувчи” нинг фаолиятига баҳо беришдир, яъни дарс якунида дарс раҳбарига дарс хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Ўйин давомида экспертлар “Ўқитувчи”нинг иш фаолиятига қўйидаги намунавий жадвал асосида баҳо берадилар.

| № | **Ўқитувчи ва дарснинг ижобий хусусиятлари** | **Йўл қўйилган хато вакамчиликлар** | **Баҳо ёки балл** |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўқитувчининг дарсда ўзини тута билиши | | “______“ |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2 | Мавзу яхши ўзлаштирил. | | “_______“ |
| 3 | Мавзуга оид баённинг аниқ ва илмийлиги | 3-шакл тўла асосланади | “_______“ |
| 4 | Дарсда кўргазмалиликнинг бўлиши | 1-шаклда хатолик бор | “_______“ |
| 5 | Дарсда ўқувчиларнинг фаоллик даражаси | А.Алимов, С.Салимов дарсга эътиборсиз | “_______“ |
| 6 | Ўқувчиларнинг тартиб интизоми ва шукабилар | | “_______“ |

**Ўйин дарсининг моҳияти ва мақсади:**

Ўқувчиларнинг фан бўйича ўтилган мавзулар хусусидаги билимларини мустаҳкамлаш, янги мавзу бўйича билим ва тушунчаларини шакллантириш асосида мустақил фикрлаш, англаш кўникмаларини хосил қилиш, билим олишга қизиқишини ривожлантириш, ўқитувчи ва дарсга нисбатан хурматни ўстириш, атрофдаги кишиларга меҳрли, оқибатли бўлиш каби инсоний фазилатларни ўстириш.

Ўз-ўзини бошқариш ўқувларини шунингдек, дарслар жараёнида тингловчигина эмас, иштирокчи бўлишдек хусусиятларини ривожлантириш.

Ўйинни ўтказиш:

Ушбу ўйин дарси – боблар, бўлимлар бўйича такрорлар, мустаҳкамлар дарсларида, ўқувчилар томонидан ортиқча қийинчиликларсиз ва зўриқишларсиз мустақил ўзлаштира оладиган мавзулар, масала ва машқечиш дарслари, шунингдек ишлаб чиқариш таълими дарсларининг кириш йўриқномаларини ўтказиш ҳолларида қўлланилиши мумкин.

Албатта, ўйинни ўтказиш ҳоллари аввал бошда тилга олинган мавзулар, масала ва машқ ечиш дарслари, шунингдек ишлаб чиқариш таълими дарсларининг кириш йўриқномаларини ўтказиш ҳолларида қўлланиши мумкин.

**Ўйин дарсини ўтказиш сцинарийси**

Ўйин дарси одатдаги дарслар сингари бошланиб, тўртта босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич-дарс раҳбари томонидан ўтказилади:

1. Ташкилий вақт: - 5 дақиқа
   А) ўқувчилар давоматини аниқлаш-йўқлама ўтказиш
   Б) Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.
   Иккинчи босқич-дарс раҳбари
   “Ўқитувчи” ўқувчи томонидан ўтказилади.
2. Янги дарс мавзуси ва мақсадини эълон қилиш. Ўйинга кириш ва мавзуни ўрганиш: 25 дақиқа.

А) дарс раҳбари ўйин шартлари ва қоидалари хусусидаўқувчиларга тушунча, топшириқ ва кўрсатмалар беради. (5-7) дақиқа.

Б) “Ўқитувчи” – ўқувчи, “эксперт” – ўқувчилар ролга киришлари ва ўз вазифаларинибажаришлари (20-18 дақиқа)

“Ўқитувчи”- ўқувчи ролниижро этиш давомида мавзу бўйича олинган (мустақил равишда) билимларни ўқувчилар жамоаси олдида намойиш этади ва ўқувчиларга бу билимларини етказишга ҳаракат қиладилар.

Ўқувчилар жамоаси эса дарсни тинглаш орқали улар ҳам мавзу бўйича мустақил ўрганган билимларига таққослайдилар, фикр юритадилар ва мулоҳаза қиладилар “ўқитувчи” тенгдошлари билан эркин мулоқот юритишга имкониятлар очилади, бу эса ўйиннинг яна бир (аксарият ўқувчилар ўқитувчи-устозларига савол бериш, ўз фикр мулоҳазаларини билдиришга ийманади ва тортинадилар)ўзига хос хусусиятдир.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш ва тўлдириш – 10 дақиқа.

Бунда дарс раҳбари “Ўқитувчи” – ўқувчининг мавзу юзасидан йўл қўйган “камчилик”ларини тўлдиради. Бубосқични дарс раҳбари ўқувчилар жамоаси иштирокида суҳбат, савол-жавоб усулларини қўллаб дарсни тухтатиш мумкин.

4. Якуний босқич – 5дақиқа

А) “Экспертлар”ни “ўқитувчи” фаолияти ва дарс хусусидаги фикрларини эшитиб, “ўқитувчи”-ўқувчининг фаолиятига баҳо берилади.

Б) Дарсда фаол қатнашган гуруҳ жамоаси аъзолари рағбатлантиради.

В) дарс раҳбари томонидан дарсга якун ясалади.

Г) ўқувчиларга уй вазифаси топширилади. Эслатма: 1) “Ўқитувчи” – ўқувчининг дарс хусусидаги йўл қўйган хато ва камчиликларни ўқувчилар томонидан раҳбар бошчилигида дарсни ўрганиш босқичида ўз ўрнида таҳлил этиш, тузатилиши ва тўғриланиши ўйинни янада “жонли” бўлишини таъминлаб ўқувчилар фаоллигини кучайтиради. 2)Босқичлар бўйича вақт давомийлиги ўзгартирилиши мумкин.

“Ким ўз фанини яхшибилади?” ўйин дарси.

Ушбу ўйиндаги янги билимларни ўзлаштириш дарсларида ёки такрорлаш дарсларида таълим олувчи ўргатилаётган материаллар бўйича мустақил равишда саволлар тузиб чиқиши керак. Такрорлаш дарсларида эса таълим олувчи ўтилган мавзулар бўйича саволлар тузиши керак.

Мавзу номи, мақсади, кутиладиган натижалар, ўқувчиларни, баҳолаш мезонлари, машғулотнинг олиб борилиш тартиби тушунтирилади.

Учта кичик гуруҳлар тузиб олинади. Ҳар бир гуруҳдан бир киши роллар ёзилган қоғозчаларни тортадилар: “Ўқитувчилар”, “Ўқувчилар”, “Экспертлар” ва “Бош экспертлар”.

Ўқитувчи ўйин қоидасини тушунтирилишини раҳбар кўрсатади.

Ўйинни бориши учун камида 9 та саволлар тузилиши керак, белгиланган вақт тугагач, ўйин бошлади.

Ўйинни биринчи бўлиб ўқитувчилар гурухи бошлайдилар, яъни ўқитувчилар гурухи ўқувчилар гуруҳида савол беришлари керак, экспертлар гуруҳи эса ўқитувчилар томонидан берилган саволни ва ўқитувчиларнинг жавобларини 3 балли тизимда баҳолайдилар. Охирги бахо эса бош експертлар томонидан қўйилади, эксперт ва бош экспертлар томонидан қўйиладиган баҳолар тўлиқ шарҳлаб борилиши керак.

Ҳар бир берилган саволдан кейин кичик гуруҳ иштирокчиларининг тайёргарлик кўришлари учун 1 минут вақт берилади. Учта саволдан сўнг роллар алмаштирилади ва шу тариқа ҳар бир гуруҳ ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи, ҳам эксперт ролида иштирок этдилар.

Жамғарилган роллар бош экспертлар томонидан ҳисобланади.

Ғолиб гуруҳ аниқланади ва рағбатлантирилади. Ўқитувчининг хулосаси билан машғулотга якун ясалади.

Ўйиннинг бориш кетма-кетлиги қўйидаги:

| I | II | III |
|---|---|---|
| 1. “Ўқитувчилар | “Ўқувчилар” | “Экспертлар” |
| 1 | 1 | 1 |
| 2 | 2 | 2 |
| 3 | 3 | 3 |
| 2. “Ўқувчилар” | “Экспертлар” | “Ўқитувчилар” |
| 1 | 1 | 1 |
| 2 | 2 | 2 |
| 3 | 3 | 3 |
| 3. “Экспертлар” | “Ўқитувчилар” | “Ўқувчилар” |
| 1 | 1 | 1 |
| 2 | 2 | 2 |
| 3 | 3 | 3 |

**Ўйин машғулотининг тузилиши**

| Ўйинга кириш | | | |
|---|---|---|---|
| Раҳбарнинг ўйин мақсадини тушунтириши | Вазифа иши қўйилиши | Ўйин қоидасини тушунтириш | Ролларни тақсимлаш |

| Ўйин жараёни | | | |
|---|---|---|---|
| Топшириқларни тақ. Ва уларнинг бажарилиши | Ўйин иштирокчилари фаолияти | Ўйинни якунлаш | Энг қулай вариантини таҳлил қилиш |

| Хулоса |
|---|

Ғолибларни мукофотлаш

Кичик гуруҳларни роллар бўйича хонада жойлашиши.

“Ўқитувчилар” гуруҳи

“Ўқувчилар” гуруҳи

“Экспертлар” гуруҳи

“Бош экспертлар”

**Ўқув устахоналарида ўйин дарсларини олиб боришнинг афзалликлари.**

Ўйин дарсларини олиб бориш ўтилган мавзуларни ўқитувчилар ўзларида яхши мустаҳкамлашларида катта ёрдам беради. Ўйин дарслари аввало эркин, ўқитувчи билан ўзаро тушунган ҳолда ўтказилади.

Мисол учун: “лотто”, “Домино”, “волейбол”, “энг яхши модельер” устахонасида амалиёт дарсида қўлланиш мумкин. Ўйин дарсини олиб бориш учун аввало сценарий тузилади, яъни қандай тартибда олиб бориш аниқланади:

1. Ташкилий қисм. II. Кириш қисм. III. Ўйин жараёни. IV Хулоса.

1.Ташкилий қисм. Ўйин дарси ўтказиш учун барча ўқувчилар жалб қилинади. Ишлаб чиқариш амалиёти ўтказишда ўқув устахонаси ёки кичик цех(участка) да барча керакли жихозлар, анжомлар, бичиқ деталларитайёрлаб қўйилади. Ўқувчиларни сонига қараб 2 та ёки 3 та команда тузилади.

Командаларга ном берилади. “Чаққон”, “Зукко”, “Чевар”. Сўнг дарснинг мавзуси эълон қилинади.

-Азиз болалар! Бугун сизлар билан “қиз болалар баҳорги, кузги кўйлагини тикиш “ мавзуси бўйича ўйин дарси ўтказамиз. Марҳамат қилиб 3 та командага бўлинамиз. Командалар номига биринчи командага “Чевар”, иккинчисига “Чаққон”, учинчи командага “Зукко” номини қўямиз.

Марҳамат қилиб жойларингизни эгалланг. Ўқувчилар команларга бўлиниб, инишонларини тақиб оладилар. Ҳар бир иштирокчи техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фартук, рўмол ўраб олиб, иш столида дарсга керакли асбоблар ва қуроллари тайёрлайдилар.

-Энди биринчи ўйинни бошлаймиз. Бу ўйиннинг номи “Волейбол” деб номланади. Ҳар бир команда иштирокчиларидан 3 нафардан ўқувчи ўртага чиқадилар. Уларга ўқитувчи савол беради ва бир вақтда коптокни ҳам узатади.

“Қиз болалар кўйлагининг деталлари қандай номланади?” копток қарама-қарши команда иштирокчиларидан 3 нафардан ўқувчи ўртача чиқадалар. Уларга ўқитувчи савол беради ва бир вақтда коптокни ҳам узатади:

“Қиз болалар кўйлагининг деталлари қандай номланади?” Копток қарама-қарши команда иштирокчисига узатилади. Коптокни илган иштирокчи кўйлак деталини биринчи номлаб, коптокни бошқа ўқувчиларга узатади. Бу ўйин тез ва қизиқарли ўтади. Кимда-ким жавобни тезда топа олмаса ёки айтилган детални такрорласа ўйиндан четлатилади.

## Ишлаб чиқариш таълими дарсларида дидактик ўйин даражасини қўллаш.

Одатда, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларда касбий билим, ўқув ва кўникмаларнинг ҳосил бўлишида етакчи ролни ишлаб чиқариш таълими дарслари ўтайди.

Ишлаб-чиқариш таълими дарсларида ўқувчилар касб йўналишидаги махсус фанлардан олган билимларни мустаҳкамлаш орқали, амалий кўникма ва малакалар оладилар. Ўқувчиларнинг касб маҳоратини мукаммал эгаллашларида амалиёт ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги, билим савияси, педагогик маҳорати каби қатор жиҳатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Албатта амалиёт ўқитувчиси дарс жараёнини барча учун анъанавий бўлиб қолган майян босқичларда олиб боради. Яъни:

а) ташкилий босқич

б) кириш босқичи

в) жорий босқич

г) якуний босқич

Анъанавий дарс услубларини мукаммаллаштирилган ҳолда ноанъанавий, шунингдек, замонавий педагогик-методик технологиядан, ўқитиш услубларидан фойдаланиш зарурати ҳозирги замон талаби эканлигини барча амалиёт ўқитувчилари ҳам тушуниб етмоқликлари керак.

Таклиф қилинаётган ушбу дидактик ўйин замонавий технологик услуб бўлмаса-да ўзининг баъзи хусусиятлари билананъанавий усуллардан фарқ қилади.

Мазкур ўйин дарсиниишлаб чиқариш тиълими дарсларининг “кириш йўриқномаси”ёки “кириш босқичи” да қўллаш яхши самара беради.

Ўйиннинг шартли номи:

а) “Дарсда карта ўйини”

б) “Ким кўп очко тўплайди”

ўйиннинг мақсади: Махсум фанлар бўйича олинган билимларни мустаҳкамлаш, мустақил изланиш, мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш, ўзаро-дўстона ёрдам бериш, дўстларини ҳурматлаш руҳида тарбиялаш....

Уйиннинг мазмуни ва утазиш шарти: уйин машгулотнинг иккинчи боскичида бошланиши максадга мувофик.

Уйин амалиёт укитувиси рахбарлигида 5 та звено бошликлари ёрдамида олиб борилади.

Амалиёт укитувиси томонидан тайёрланган - 18 дона саволли ва 18 дона жавобли, жами 36 та карта хар бир звено бошлиги томонидан звено аъзолари уртасида «уйналади».

Уйин шартига кура савол карталарига тартиб ракамлар куйилади.

Жавоб карталарида тартиб ракам курсатилмайди.

Уйинда муаммоли вазиятлар хосил килиш учун хар 5 ёки 6 та саволни жавобини картага нотугри ёзиб куйиш керак. Бу киришишига янада ката имконият яратилади.

Гурух (звено) бошликларининг фаолиятлари амалиёт укитувчиси томонидан берилган «уйин» карталарини кейин жавобли карталарни гурух аъзоларига 6 тадан таксимлайди. Ва улар уйинни тугри боришини кузатади ва гурух аъзоларининг очколарини хисоблаб боради.

**Иштирокчилар аъзоларини хисобга олиш жадвали**

| | 1-юриш | | 2-юриш | | 3-юриш | | 4-юриш | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Укитувчилар исми ва шарифи** | **Очко** | **Жарима** | **Очко** | **Жарима** | **Очко** | **Жарима** | **Очко** | **Жарима** |
| | | | | | | | | |

Хисоб очколари ихтиёрий бир хил ошиши керак. Масалан: 3 ёки 5 ва хоказо.

Уйиннинг бориши:

Уйин 1-тартиб ракамли картани юришидан бошланади ва юриш «унг кул коидаси»га кура боради.

Демак, 1-карта ерга тушгач, ундаги саволни жавобини иштирокчилардан кимдир унинг устига ташлаш керак. Агар уйновчи нотугри жавоб кайтарса, у жарима олади, яъни уша юришдаги очкодан махрум булади.

Уйин шу тартибда карталар тугашича давоб эттириш лозим булса, гурухлардаги карталар узаро алмаштирилади.

Уйин охирида кичик гурухлар бжудаошликларининг фикр-мулохазалари жавоб билан эшитилади ва иштирокчиларнинг «очко»лари эълон килинади.

Уйинда энг фаол иштирок этган укувчилар такдирланадилар.

## Тарбиячи ва унинг вазифалари.

Укувчилар фаолиятига уйин, мехнат, санъат, билим хамиша хосдир. Шу сабабли, катталар укувчиларнинг ушбу турдаги фаолиятини сунъий эмас, балки улар билан биргаликда куллаб-кувватлаши керак. Тарбиячиларнинг укувчилар билан биргаликдаги фаолиятини ташкил килиш ва жамоавий ижодий ишни утказиш, киска муддатда тарбиявий ишларни олиб бориш улардан касбий билим, педагогик махоратни талаб килади.

Педагогик касб ходимларига зарур булган шахсий хислатлар шартли равишда 3 та гурухга ажратилиши мумкин:

-бошкаларни тушуниш кобилияти билан боглик хусусиятлар;

-бошкаларга таъсир утказа олишга доир хислатлар;

-укувчиларга урнак булла оладиган хислатлар.

Тарбиячининг шахсий хислатлари, уларнинг укувчилар жамоасидаги вазифалари, узи ишлаётган жамоанинг узига хос томонлари хамда укувчиларнинг тарбияси билан аникланади.

## Тарбиячи ишларининг мазмуни ва шакллари.

Таълим муассасаларининг тарбиявий амалиётида тарбиячи алохида урин тутади ва шубхасиз, жуда мухим рол уйнайди. Тарбиячи ва укувчиларнинг узаро хамкорлиги тарбиявий муносабатларни барпо этишда хал килувчи омил булиб, у билан бутун педагогик жамоа фаолиятининг муваффакияти, укувчининг шахси сифатида ривожланиш жараёни ва укувчилар жамоасининг шаклланиши, ота-оналар хамда таълим муассасалари орасида алоканинг яхшиланиши тарбиячилар олиб бораётган ишларнинг муваффакияти билан куп жихатдан боглангандир.

Укувчилар гурухи фаолиятининг мазмуни ва уни ташкил этиш учун керакли усулларни танлаш тарбиячининг асосий вазифалари билан чамбарчас богликдир.

Укувчилар гурухи ва укувчилар билан яккама-якка тартибда ишлашда тарбиячининг роли куйидагича булиши мумкин.

Назоратчи укув тарбиявий жараёнда укувчиларнинг иштирокини таъминлаш.

Илм мамлакатига бошловчи - укишга булган кизикиш ва хохиш ташкиллаштириш

Ахлокли намунавий мураббий, маънавий устоз –укувчилар уртасидаги узаро муносабатда, хамда укувчилар ва тарбиячилар уртасида вужудга келадиган зиддиятларни хал этишда, укув-тарбия жараёнида ички тартиб коидаларга риоя килишликда, уларни керакли меъёрда бажаришларига кумаклашади.

Маданият сохиби – умуминсоний ва маданий кадриятлар асосида укувчи-тарбиявий жараённи ташкил килиш; ижтимоий педагог-укувчиларнинг хар хил ижтимой муаммоларини ечишга кумаклашиши.

Укувчиларнинг якин ката дусти-укувчиларни турл хил фаолиятларга киришишларига кумаклашади, укувчиларга булган гамхурликнинг бир кисмини узига олади;

**Тарбиячиларнинг касбий мухим ахамиятга эга булган шахсий хислатлари:**

-укувчилар билан ишлашга, уларнинг тарбиясига ва ривожланишига кизикиш, укувчиларни тушуниш кобилиятига эга булиш, уларга ишониш, уларнинг фаоллик, хаваскорлик, ижодий кирраларини олиш:

-укувчилар жамоасида ишлашга булган мойиллик, ката кизикиш, укувчилар жамоасини шахс шаклланишида ута зарурлигини англаш, укувчиларни жамоавий ижодий фаолият усуллари билан тарбиялашга булган кизикиш;

-шахснинг ижтимоий-сиёсий йуналтирилганлиги ва фаоллиги мустакил Узбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий хаётига булган кизикиш ва мойиллик, сиёсий саводхонлик – Узбекистон Ресбупликасининг янги гояларини тугри тушуниш, тахлил кили шва укувчиларга тушунтира олиш;

Тарбиячининг нуткий маданиятига куйидагилар киради:

-сузлай олиш;

-уз овозини бошкара олиш:

-суз бойлиги;

-нуткнинг образлилиги ва хаяжонлилиги;

-харакат жойига кура нуткнинг табиатини тушуниш;

-нутк аппаратининг чидамлилиги;

-тугридан-тугри, «когозсиз» сузга чика олиш ва фикрини баён кила олиш.

Юкоридаги хусусият ва хислатлар билан бир каторда, тарбиячига укувчиларнинг нуткларига эътибор кили шва эшитиш буйича хам яхши хотира керак: маърузалар, буйруклар, фармойишлар укувчилар ва хамкасбларининг исмларини, укувчиларнинг юз тузилишларини, товушларини тезлик билан ва мустахкам ёдда саклаб колиш, шеър, кушик ва ш…кларнинг ёддан билиш.

Тарбиячининг касбий фаолиятида педагогик махорат катта ахамиятга эга, чунки у гурух ва жамоа фаолиятини тушуниш, шунингдек, укувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлардир.

**Тарбиячиларнинг касбий махоратлари.**

Тарбиячиларнинг ташкилотчи сифатидаги фаолияти билан боглик махоратлари. Улар куйидагилар:

-купчилик укувчиларнинг шахсий хусусиятларига ва кизикишларга мос холда фаолиятда жалб кила олиш;

-турли ишларни белгиланган муддатда бажариш буйича вазифаларни окилона тасдиклаш;

-турли рагбатлантирувчи омил ва педагогик усуллардан фойдаланган холда, укувчилар жамоаси ишларида уларнинг катнаша олишларига кизиктириш ва фаолиятларини ошииш буйича хохиш уйготишни таъминлаш.

Гурух рахбарларининг тарбиячи сифатидаги урни фаолияти билан боглик махоратлари.

-укувчиларга Узбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсийвазифаларини тушунтира олиш;

-укувчиларнинг саволларига асосий жавоб бера олиш, сухбат, бахс юрита олиши, у ёки бу холатларини исботлаш ва рад кила олиш;

-Узбекистон Республикаси давлат конунларига кабул килинган моддаларни билиши ва уларга риоя килиши;

-жамоанинг шахсга таъсирида тарбиявий имкониятлардаги фойдаланиш;

-укувчилар билан ишлашда уйинларни кенг куллай олиш.

Педагогик таъсир услублари билан боглик махоратлар. Улар куйидагилар:

-иш жараёнда мусобака, талаб, рагбатлантириш, жазо, ишонтириш усулларидан фойдаланиш;

-укувчилар билан яккама-якка тартибда иш олиб бориш;

-укувчилар учун намуна бщлиш, ташки куринишда куркамлик, ихчамлик;

-суз ва иш биринчи, жавобгарлик, пухталик ваш .к.лар

Амалий машгулотлар:

-гурух бурчакларини, урказмаларни тайёрлаш ва ташкил кила олиш;

-деворий газеталарни тайёрлаш ва эшиттиришлар ташкил килиш, утказиш;

-жамоавий уйинлари, кушикларни, раксларни ташкил кили шва уларни утказа олиш;

-спорт мусобакаларида хакамлик иклиш;

-сода карсаларни жой олиш;

-укувчилар байрамларини тайёрлаш;

-бирини тиббий ёрдам курсата олиш;

Тарбиячиларнинг укувчилар жамоаси рахбари сифатидаги фаолияти билан боглик булган махоратлар.

-укувчилар жамоаининг мустакил равишда такомиллаштириш, уз утида ишлаш;

-аник тадбирларни тайёрлаш ва уларни утказиш режаларини ишлаб чикиш;

-укувчилар жамоаси фаоляти жараёни ва иш натижаларини тахлил килиш;

-уз-узини асосли бахолаш, ишнинг янги истикболларини кура олиш.

## Укувчилар гурухи рахбарининг хизмат вазифалари.

Тарбиячиларнинг хизмат вазифалари улар фаолият курсатаётгн таълим муассасининг йуналишига, хусусиятига, имкониятига, шароитига, укувчиларнинг савиясига ва тарбияланганлик даражасига хамда уларнинг ташкилотчилик кобилиятига педагогик махоратига асосланган холда белгиланади.

Укувчилар гурухида тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнда тарбиячи ккуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1)укитувчилар шахсини урганиш;

2)гурухда тарбиявий жараён ва узаро муносабатларни тахлил этиш, мувофиклаштириш ва яхшилаш;

3)гурух укувчилари билан ишловчи тарбиячиларнинг ишларини мувофиклаштириш;

4)укувчилар жамоаси фаолияти боскичларини, гурх тадбирларини режалаштириш, тайёрлаш, утказиш ва якунлаш, тарбиявий соат, ахборот ва мулокот, танлов ваш .к.ларга вакт ажратиш;

5) зарурат тугилганда укувчиларнинг ота-оналари билан учрашув утказиш;

6) гурухида укувчилар узини-узи бошкариш фаолиятининг педагогик таълимоти;

7) гурух журналини олиб боришни ташкил этиш.

Тарбиячи уз вазифаларини амалга ошириш мобайнида:

**Укув йили бошида:**

-гурух руйхатини тузади ва журнални расмийлаштиради.

-укувчилар билан хамкорликда гурухнинг иш режасини тузади ва таълим муассасасининг тарбиявий ишлар буйича масъул ходими билан уни мувофиклаштиради.

* хар куни

-дарсга катнашмаётган укувчиларни синф журналига кайд этади, уларнинг дарсларга катнашмаётганликлари сабаблари билан кизикади;

-гурух укувчиларнинг уз-узини бошкариш органларига педагогик ёрдам курсатади;

-укувчиларнинг ташки куринишини назорат килади;

-гурухда утаётган навбатчиликларни назорат килади.

* хар хафтада:

-тарбиячилар томонидан гурух журналини расмийлаштиришни назорат килади;

-тарбиявий соат ва мулокот утказади.

* хар ойда:

-гурух жамоасини турли тадбирлар ва ишларда иштирок этишни ташкил этади;

-кобилиятни ёки гурухга таълим муассасасида ажратилган худудни тозалашни ташкил этади.

* семестр давомида:

- гурухнинг таълим муассасаси буйича навбатчилигини ташкил этади.

-укув аудиторияларининг холатини назорат этишни ташкил этади;

-зарурат тугилганда, ота-оналар йигилишини утказади;

-гурухнинг ота-оналар кумитаси ишини ташкил этади.

* семестр охирида:

-гурухнинг утган семестр (чорак) даги укув катнашчилари ва фаолиятининг якунини тахлил килади.

-маънавият ва маърифат ишлари буйича декан уринбосарига бажарилган ишлар хакида хисобот беради.

* укув йили охирида:

-гурух фаолиятининг якуний натижаларини эълон килишни ташкил этади;

-укув хоналарини таъмирлашни ташкиил этади.

## Тилларнинг билимини рейтинг тизимида бахолаш мезонлари

Талабаларнинг фан буйича узлаштириш даражасини аниклашда куйидаги назорат турларидан фойдаланилади.

Жорий назорат (ЖН) – фаннинг хар бир неча мавзуси буйича талабанинг билим ва амалий куникмаларини бахолаб бориш учун амалий машгулотларда амалга оширилади.

Оралик назорат (ОН) – фаннинг назарий кисмидан бир неча мавзуларини камраб олган булими буйича назарий машгулотлар утилгандан сунг маъруза машгулотларида амалга оширилади.

Якуний назорати (ЯН) – фаннинг умумий мазмуни доирасида семестр якунида маъруза машгулотлари тугагандан фунг деканат графиги асосида утказилади.

Фан буйича талаба туплаши мумкин булган максимал баллни 100 балл. Низомга кура фан учун белгиланган муайян семестрдаги аудитория соатларини хисобга олмаган холда ЯН га 30 балл, ЖН ва ОН ларга 70 балл ажратилади.

Шу жумладан:

- Амалий ва лаборатория машгулотлари буйича ЖН лар учун – 40 балл;
- Маъруза машгулотлари буйича ОН лар учун – 30 балл.

<table>
<tr><th>Семестр</th><th colspan="5">Рейтинг назорати турлари ва баллари</th></tr>
<tr><td rowspan="2">6</td><td rowspan="2">Жами 100 балл</td><td colspan="3">Шу жумладан</td><td rowspan="2">Мустакил ишлар</td></tr>
<tr><td>1-ЖН-40 балл</td><td>1-ОН-30 балл</td><td>ЯН-30 балл</td></tr>
</table>

1.Жорий назорат (ЖН)

Амалий машгулотлар учун белгиланган 40 баллни мавзулар буйича ЖН ларга куйидагича таксимланиши куйидаги жадвалда белгиланган.

**Тажриба машгулотлар буйича хар бир ЖН механизмлари .**

| № | Бахолаш тури | Утказилиш тартиби | Бажариш механизми | Талаба туплаш мумкин булган балл | Бажариш вакти | Изох 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | 1-ЖН | Ёзма | 1-5 тажриба ишларини бажариб такдим этилади | 5-2-10 балл саволларга берилган тугри жавоблар учун 5=30 балл | Дарс жараёнида | Тажриба машгулотларида иши дастурдаги 1-5 тажриба |

Эслатма: фандан жорий назоратда балл олиш учун лаборатория ишлари ва амалий дарсларда берилган уйга вазифалар бажарилган булиши шарт.
Амалий машгулотлар буйича ЖН натижалари куйидагича бахоланади: «аъло» бахога (86-100%)=35-40 балл, «яхши» бахога (71-85%)=29-34 балл, «коникарли» бахога (55-70%)=22-28 балл, «коникарсиз» бахога (0-54%)=24 ва ундан кам балл.

**2. Оралик назорат (ОН)**

Маъруза машгулотлари учун белгиланган 30 баллни 2 га ОН лар буйича таксимланиши куйидаги жадвалда берилган.

| **№** | **Бахолаш тури** | **Утказилиш шакли** | **Бажариш механизми** | **Талаба туплаши мумкин булган балл** | **Бажариш вакти** | **изох** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЯН | ёзма | 3 та назарий ёки амалий саволлардан иборат вариантлар асоси наз. | Хар бир тугри жавобга 6 баллдан жами 30 балл | Деканат графиги буйича | Саволлар маъруза машгулоти ишчи дастури |

**Маъруза машгулотлари буйича ОН натижалари куйидагича бахоланади:**

ОН натижалари куйидагича бахоланади:

«аъло» бахога (86-100%)=26-30 балл, «яхши» бахога (71-85%)=22-25 балл, «коникарли» бахога (55-70%)=17-21 балл, «коникарсиз» бахога (0-54%)=16 ва ундан кам балл.

Эслатмалар:

1) ЖН ва ОН ларда унга ажратилган 70 баллнинг 55% ни ва ундан куп, яъни 39 ва ундан ортик балл туплаган талаба ЯН топширишга куйилади;
2) ЖН ва ОН ларга ажратилган 70 баллдан 55 ва ундан куп балл туплаган талаба ЯН га киритилмаслиги керак.

## 3. Якуний назорат (ЯН)

Фан буйича талаба олган назарий билимлар ва амалий куникмаларни бахолаш учун семестр охирида ЯН утказилади.

### Барча машгулотлар буйича ЯН механизми

| № | Бахолаш тури | Утказилиш шакли | Бажариш механизми | Талаба туплаши мумкин булган балл | Бажариш вакти | изох |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ЯН | ёзма | 3 та назарий ёки амалий саволлардан иборат вариантлар асосида ёзма назорат утказилади | Хар бир тугри жавобга ум 10 баллдан жами 30 балл | Деканат графиги буйича | Аудитория машгулотлари тугагандан сунг |

ЯН назорат натижалари буйича талабалар билимини куйидагича бахоланади:

«аъло» бахога (86-100%)=26-30 балл, «яхши» бахога (71-85%)=22-25 балл, «коникарли» бахога (55-70%)=17-21 балл, «коникарсиз» бахога (0-54%)=16 ва ундан кам балл.

ЖН ва ОНлар буйича туплаган балларга ЯН натижасини кушиш оркали талабанинг фан буйича максимал 100 балл хисобида узлаштириш курсаткичи аникланади.

«аъло» бахо (86-100%),

«яхши» бахои (71-85%),

«коникарли» бахо (55-70%),

«коникарсиз» бахо тупланган балл 54 балл ва ундан кам булганда куйилади.

## Хозирги экологик вазият

Халкаро хамжамият инсоннинг нафакат яшаш хукуки, балки тулаконли ва соглом турмуш кечириш учун зарур муътадил атроф мухит шароитларига хам булган хукукларининг мукаддас ва дахлсизлигини аллакасонлар эътироф этган.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллакачонлар эътироф миллий ва минтакавий доирадан чикиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган.

Табиат ва инсон узаро муайян конуниятлар асосида муносабатда булади. Бу конуниятларни бузиш унглаб булмас фаолиятларга олиб келади.

Хозирги экологик вазиятнинг узига хос хусусияти алохида худу два мамлакатнинг маданият даражасининг турли туманлигида хам курмокда.

Хулоса, антропоген фаолият табиатга салбий таъсир курсатади. Табиатдаги мувозанат эхтиёт килинилади, натижада атроф-мухит ифлосланиб, инсон ва жамиятнинг табиатга акс таъсири кучайиб кетди.

Окибатда табиат билан жамият уртасидаги мувозанат бузилди ва экологик муаммоларни келтириб чикарди.

Жамиятнинг табиатга булган муносабати моддий ишлаб чикаришнинг ва бутун бир тарихий жараённинг мухим компонентларидан хисобланади.

Хозирги иктсодий вазиятда, экологик инкирозниг асосий характеристикаларидан бирининг цивилизацион келиб чикиш булиб, у инсоният цивилизацияси билан боглик. Формацион концепция – хозирги вазиятни тизим билан боглайди.

## Экологик тарбия

Бугунги кунда инсониятни хавф остида колдираётган ходисалардан бири экологик вазият исобланади. Жамиятнинг атроф-мухит билан узаро бузилган алокаси кенг жамоатчилик уртасида ката ташвиш уйготмокда. Инсоннинг табиий бойликлардан хаддан ташкари ортик фойдаланиши окибатида сайёрамизнинг киёфаси узгариб бормокда.

Табиатнинг экологик баркарорлиги, тургунлиги ва унинг табиий конунларининг бузилишига инсонда экологик билимларнинг етмаслиги, табиатнинг келажакдаги экологик холати кандай булишини олдиндан кура билмаслиги сабаб булмокда.

Экологик билим – бу тирик табиатнинг тузилиши, ривожланиши, узгариши, табиат конунларини билиши, урганиши улар асосида уз хаётини ривожлантириши шарт. Табиат конунларига мос келадиган хаёт йулларини ишлаб чиыиш керак .

Бир неча миллион йиллар давомида бунёд булган коинотнинг табиий куриниши кейинги 10-15 йил ичида огир холатга тушди. Хаво бузилди, ифлосланди. Жумладан, тупрок захарли моддалар боис «жарохатланди» сувлар турли моддалар билан ифлосланди. Бу холатлар окибатда инсон саломатлигига салбий таъсир кила бошлади. Хозирги куннинг янги долзарб

муаммоларидан бири фан техника ютуклари асосида ахолининг турли табакалари орасида экологик таълим-тарбия ва маданиятга оид билимларни ошириш йули билан табиат мухофазасини тезлаштиришнинг турли чора-тадбирларини ишлаб чикиш хисобланади. Экологик таълим ва тарбиянинг туб маъноси табиат ва жамиятнинг уртасидаги доимий бирлик ва уларни бир-бирларига богловчи табиий хамда ижтимоий коидаларни урганиш, хаётга тадбик килишдан иборатдир.

Инсонни ураб турган табиий мухит ва унинг бойликларини биладиган, ундан тежамкорлик билан карайдиган инсонлар, унинг хар бир карич ерида булаётган ижобий ва салбий узгаришларни сезади ва кузатади, табиатга ёрдам беради, яъни йикилган бутани тиклайди, касал хайвонни тузатади, даволайди, ифлос сувни тозалашга харакат килади, ёнгинни учиради ва хоказо.

Хозирги кунда жамият ичидаги, жамият билан табиат уртасидаги муносабатлар кескинлашиб бораётган бир даврда, хужаликнинг турли сохаларини ривожлантириш билан бир каторда, атроф-мухит мухофазаси ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишга оид чукур билимли, экологик маълумотли ёшларни тарбиялаш вакти келди.

## Хулоса

Талабалик ишларининг чизганлиги сари аник бир туйгу узига янги рол этмокда.

Бу давр мен учун хаётимнинг энг унитилмас, энг завкли даври булиб колади. Мен бунга аминман.

Утган 4 йил даврида мен укитувчилик касбининг сиру-синоатини мехру-мухаббатини ургандим. Менинг шу даражада етишишимда менга таълим-тарбия берган тушунмаганимга эришмасдан кайта-кайта тушунтирган азиз устозларимдан миннатдорман.

Улар олдида хамиша икки кулим таъзимда, миннатдорман.

Битирув малакавий ишимни бажарар эканман, укитувчилик касбининг накадар машаккатли, аммо шарафли касб эканлигини яна бир бор хис этдим. Диплом лойихамда халкимизнинг турмуш фаровонлигини янада хшилаш яшаш шароитини янада яхшилашга доир муаммоларини хал килиш муаммосидир

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати


1. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Тошкент, “Узбекистон”., 2010
2. “Баркамол авлод йили” давлат дастури тугрисида. Узбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2010 йил, 5-сон, 37-модда.
3. Узлуксиз таълими тизими учун укув адабиётларининг янги авлодни яратиш концепцияси. Тошкент –“Шарк” – 2002 йил
4. Олимов К.Т. Касб-хунар таълими тизимида махсус фанлардан электрон дарсликларда куйиладиган талаблар уларни яратиш технологияси

ва услубий таъминоти. Касб махорати Узбекистон Республиккаси урта махсус касб-хунар таълими ахборотномаси, 2004.№ 5

5. Расулов О Замонавий электрон дарсликларнинг дидактик хусусиятлари касб-хунар таълими № 5., 2005 й
6. Файзиев Р.Р., Ражабов Б., Исянов Р.Г., Шарипов Ш.И. Олий таълимнинг хукукий-меъёрий асослари. Методик кулланма. Т., 2009
7. Хожиев Ш, Раззоков. Электрон дарсликларни яратиш тамойиллари, афзалликлари, уларга куйиладиган талаблар ва ишлаб чикиш боскичлари. Бухоро: “Технотасвир” – 2004
8. www.google.ru
9. www.Ziyo.Net.uz
10. www.edu.uz